

ДАВР ЎЗГАРМОҚДА

Ўзбекистонда ҳозир кескин нуфус вазиати юз берди. Яқин вақтларда ҳам таъқиқчи «новаторлар» нуфус вазиатини яхшилаш учун маъмурий-буйруқ усуллари билан тегишли кескин камайтиришни таклиф қилар эканлар. Бундай кунгилсиз тадбир ташаббускорлари жамоатчиликнинг қаттиқ қаршиликка дуч келиб, пароканда бўлишиди.

Етарли даражада билимдон кишилар кўп бўлади — болалар ўлимнинг рекорд даражасига, дахшатли турмуш шaroити, энг оддий дори-дармонлар ҳам топилмайдиган турли касалликларга қарши ўзига хос навоб эканлигини тушунадилар. «Мулкини қадар қамроқ турғиш керак», «овқатини ҳам, кийимини ҳам тежаш лозим» деган масъалалар ҳам эмас, аммо республика аҳолисининг даромадларини, ҳақиқий турмуш даражасини ошириш зарурлиги тўғрисида ҳеч ким гапирмайтти.

Жаҳондаги барча ривожланган мамлакатларда бўлган каби аҳолининг турмуш даражаси ортиси билан турмуш табиий равишда энг мақбул даражага келмади. Шу сабабли одамларнинг турмуш шaroитлари билан чўнтмаслик керак, бунинг ўрнига фуқаролар турмуш даражасини ошириш ҳақида ўйлаш лозим. Катта ҳаражатлардан эмас, кам даромадан қўрқиб қара, деган нақл бор. Ўзбекистонда эса кўпчилик фуқароларнинг даромадлари айниқса қишлоқ жойларида жуда кам.

Нуфус соҳасидаги кескинлик аҳолининг бошқа минтақалардан тартибсиз кўчиб келишини ҳуқуқий тартибга солиш йўли билан ҳал этиш мумкин ва лозим. Бу тартибсиз оқим республиканинг ҳозирги шувуқ ҳам оқиб бўлган ердаги соҳаларга оғир юк бўлиб тушади. Бунинг учун маърифатли мамлакатлардаги каби руҳанотна тартибин жорий этиш зарур.

Совет ССРда ҳақиқий байналмилалчилик тўғрисида кўп гапирларди. Совет давлати асосининг ўзи ҳам



Нарий районидagi Ленин номида жамоат хўжалигида мена-сабовотни қайта ишлайдиган завод фаолият кўрсатмоқда. Меҳнат аҳли йил охиригача бир миллион шартли банка консерва тайёрлашни мўлжаллаётди. Тоҳир НОРҚУЛ олган ушбу суратларда ил-

СЎЗ-СЕССИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Абдураҳим МАШАХОПОВ, Юқори Чирчик районидagi Свeрдлов номида жамоат хўжалиги бошқарувининг раиси:

Ҳозирги шароитда тижоратчиликка кенг йўл берилмоқда. Аммо бу ишнинг қонунийга мос бўлишини жуда жуда хоҳлардим. Тижорат дўконларига маҳсулот қаердан келаяпти ўзи? Оддий кундалик молларни қўйинг, ҳаттоки қанба маҳсулотлар ҳам олибсатарларнинг қўлига ўтиб кетди. Сингвeтдан тортиб кийим-кечакча — ҳамма сини чаквосидан топасиз. Ахир улар бири ўнга пуллаб қалқин талашаяпти-ку. Оддий одам қандай қилиб бу нарсаларни сотиб олади? Ҳаттоки республика Савдо вазилиги билан «Ўзбекбирлашув» қанба молларга тижорат нархини қўйиб, қимматга сотишмоқда. Уларнинг бирор қисмини тижоратсиз баҳода сотиш ҳам керак-ку. Менинг назаримда, савдодаги тартибсизликларни тугатиш учун Ўзбекистон Президентининг алоҳида фармони зарурга ўшаيدди.

Яна бир гап: қишлоқ районларида жойлашган завод ва фабрикаларнинг ишчиларига ҳам шахарликларнингдек шaroит yaratиб бериш вақти етди. Уларнинг кўпи қишлоқда бўлишига қарамай, кўп хонадонга олиқара яшабди. Аммо оёқ-оёқат билан ҳам таъминланишмайди. Энди бу каби тенгсизликларга барҳам бериш зарур.

Завқи ТўЛАЕВ,
Қарши районидagi «Ленин йўли» давлат хўжалиги бригадаси бошлиғи:

— Бу йил деҳқончилик учун оғир келганига қарамай, хўжалигимиз аъзолари режани ортинг билан удаладилар. 26 центнер ўрнига 33 центнердан пахта ҳосили етиштирдик.

«ҚИРГИЗИСТОН ТАРАҚҚИЕТИ УЧУН»

БИШКЕКДА юқоридagi ном билан ташкил этилган янги уюшманинг тасис конференцияси бўлиб ўтди. Жумҳуриятнинг барча бурчакларидан келган вакиллар «Қирғизистон тараққиети учун» уюшманининг Устави ва дастурини қабул қилдилар.

СОВЕТ ЭДИ.
ҚОРАҚУЛЖА БУЛДИ
Шу вилоятга қарашли совет Совет туманининг номи Қорақулжа деб ўзгартирилди. Қорақулжа асли қирғиз халқ эпоси «Манас»да тилга олинган тарихий ҳоқ номидир.

НАМОЗХОН ҲАЙДОВЧИЛАР УЧУН
УШДАГИ 1-йўловчилар ташвиш автоотранспорт корхонасида

Кейинги йилларда пахтакорлар айниқса меҳнатқўлларнинг маъмурий пахта териш машиналарининг айрим нуқсонларига қарамай улардан самарали фойдаланиш йўллари-ни излаб топмоқдалар. Нуқсонлардан бири шпиндель тишларига ширанинг ёпишидир. Бу машинанинг пахта териш имконини пахта шпинделлари 15—20 марта ювиб тозалашга мажбур қилади. Ушбу камчилик ўз-ўзидан тозаланганида тартибий шпиндельда бартараф этилади. Шунинг учун бу шпиндель пахтакорларга қўл келмоқда.

Мана яқин 20 йилдан бери «Ташселъмаш» заводи таркибий шпинделлар ўрнатилган турли марнадга пахта териш машиналарини ишлаб чиқармоқда. Ҳозир хўжалиқлардаги пахта териш машиналарини таъмирлаш учун керакли ахтирети қисмларини топиш муаммога айланди. Чунки Россия ва ГФРдан олтинга сотиб олинган шпиндель курут келмаётди. Шу сабабли бу йил «Ташселъмаш» заводининг 14-дехи тўлиқ ишламайшти.

Бундай шароитин олдиндан кўра билган Уртаовул таъмирлаш механика заводи қўриқда ташкил этилган «Пахта» коопе-

«Юлдуз» 50 ЁШДА

Тошкентдаги «Юлдуз» тикунчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ўзининг ярим асрлик тўғрисида нишонларда. Корхона 1941 йилнинг ноябры ойида Москва яқинидаги парашют ишлаб чиқарувчи фабрика Тошкентга кўчириб келтирилган кундан ўз тарихини бошлаган. 1942 йилнинг февралдаги фронт учун маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди, 1944 йилда эса корхона жамоасига Қирғиз Раёони меҳмати учун Ленин ордени тошйрилди. Корхона урушдан сўнг эркинлик кўчирилган ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу маҳсулот ҳозир ҳам «Юлдуз» бирлашмасининг асосий маҳсулоти ҳисобланади. Бу ерда, шунингдек аёлларнинг либослари, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари учун махсус кийим тикилади.

Ҳозир бош корхона ва учта фабрика бирлашма таркибига кирди. Эски, мослаштирилган цехлар тугатилишига анча бўлди. Улар ўрнида замонавий бинолар қад кўтарди, насос уюм билан ишлайдиган ускуналар ўрнатилди. Тўрт минг кишилик жамоат ахил меҳнат қилмоқда. Бу йил иқтисодий кўрсаткичларга қарамай, режалаштирилгандек, ишлаб чиқариш ҳажми кўпаймоқда, 187 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Бирлашмада унинг ярим асрлик тўғрисида бағишланган тантаналар бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентини И. А. Каримовнинг «Юлдуз» жамоасига йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди. (УзТАГ).

Йўқни бор қилди

АРНАСОЙ. Маҳаллий саноат корхонаси қошда мена-сабовотни қайта ишлайдиган цех ишга тушди.

БШШ қаровсиз бино таъмирланди. Челябинск машинасозлик заводи билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ад-длашувга кўра завод маъмурияти цехни ускуналар билан жиҳозлашга кўмаклашди. Ҳозир тайёрланаётган маҳсулотнинг бир қисми Урал машинасозларига жўнатила-
Ҳ. ЮНУСОВА.

КИШАНДАГИ ТАДБИРКОР

У ҚАЧОН ЕЧИЛАДИ-Ю ЭРКИНЛИК БЎЛАДИ?

Мен азалдан ер билан тиллаш келаман. Бу хислатим бошимга не балоларни солмади, дейсиз. Ушанда район матбуот жамияти раёон матбуот бозорларида ишлардим. Ерданчи хўжалиқларни ривожландириш ҳақида курсатма берилди-ю тичим буланди. Уюшма нассасиди «Юлдуз»нинг ер ўзлаштиришга сарфладим. Йилга муддатда Еттиной адиллари инсон изни бўйсурилди. Аммо ташкилотнинг кўпчилиги қанба ёқмади: мени ишдан бўшатди. Давлат маблағини кўнға совиришга айлаб, жиний иш қўзғатди. Бироқ охири бахтир бўлиб, яна вазирамга тикландим.

1979 йилнинг 15 майида Магадандан «ҳомий» топдим. Ундан 500 миң сум қарз кўтариб, адир ерни ижарага сотиб олдим. 430 гектар чўду бибон эди. 164 миң сум эвазига қоз гектар майдон ўзлаштирилди. 30 гектарнинг Қалинин номида жамоат хўжалигига чўгит экни учун бердим. Шунча гектар ер ўзимиз арпа сендик, 64 тонна доғ, 42 тонна сомон йиғиштириб олинди. Макнажўхори, раис ва лояндан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. 20 гектар ерга ақилдан беданнинг ҳар ўрминдан 112 центнердан озуқа саранжоланди. Айни кезларда бир гектарлик боз шовуллат турибди. Қўчат ўтқазини давом этмоқда. Ахир, элини ер тўйдирадиди.

Яқин-яқингача «Бизда ишчилар йўқ, бу капиталга хос иллат», деб ҳамманни ишонтириб келдик. Аммо ўзимизни ўзимиз алдаганимизни жуда кес тустуқдик. Гоҳида мени «эси пахта»лида айбонлашди. Негат? Инсон қандай етмаган чўлда завод қуриб нима қилсан, дейишди. Далелим етарли: Еттиной адиллари сув чиқарган, турар жойлар бунёд этган устозим Қодиржон Мама-расуловнинг иши чала қолмасин! Гапинг очини — унинг вафотидан кейин жами юмуш арасода қолганди. Шу ердаги ишнинг понни сотиб олдим. Ишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган цех қуриб, 28 тонна нок ва ўрик қўриқдим. Маусум мубайнида 100 тонна пилб келтирилди. Ҳозир сараланиб, аҳолига сотила-
япти. Элиндикдан ортинг Игит-қиз ана шу юмушлар билан банд. Ишчилардан Ҳамиджон Имомов, Шарофат Алиева, Зумрадхон Мамадалиева ва Марҳамат Низомованинг қўли-қўлига тегайди.

Бригада бошлиқлари Мавлуда Болтабоева ва Незматжон Болтабоевнинг айтишларича, ишчилар яратилган шароитдан мамнундилар. Чунки уларнинг меҳнат ҳақи анча юқори. Энг муҳими — бирор-таси қишда ҳам беқор қолмайди: цех узлуқсиз ишлайди. Бу ерда мена, сабовот, полза ва чорвачилик маҳсулотларидан сифатли маҳсулотлар тайёрланади.

Бундан ташқари район ишлари қўлаб микдорда данак, темир-терсақ, латта ва бошқа хил ниқилкам ҳам ашё йиғишда ёрдамлашмоқдалар. 300 нафардан зиёд одам эса ернеғво ва мена данагини часқига сафарбар этилган. Бундай неғватнинг ҳар килограмминга бир ярим сўм тўланади. Шу боис бир «ичи кунига 150-200 килограмм мағиз топширмоқда. Бултур ернеғводан 50 миң сўм даромад олинган бўлса, жорий йилда бу қўрсаткич инки хисса ортиси мўлжалланмоқда.

Иброҳим Қодиров жўхори туошнинг ҳадисини олган. Ушга ҳар килограмм махсус тунгачи 50 тийин ҳақ берилмоқда. Қисқаса, бу йил цех бунга 400 миң сўм

фойда қўлга киритилди. Ҳозир бўлажак заводнинг бизнеси қад ростлапти. Дастур доғлар алланчаон келтириб қўйилган. Корхона тўда қўвват билан ишга тушган, йилга инки миллион 800 шартли банка мена мураббоси, шунингдек, қадоланган асал ишлаб чиқарилади.

Қолбаса цехи тўғрисида алоҳида гапириб кетам. Бу ерда ҳар йил 200 миллион сўмлик маҳсулот савдога чиқарилмоқда. Паёвналдан цехида эса 11 нафар одам иш-
лапти. Улар аҳоли буюртмаси асосида металл буюм-лари тайёрлашапти.

«Тўрақўрган» давлат хўжалиги ҳудудига автомобилларга хизмат кўрсатиш станцияси барпо этилмоқда. Устахона бошлиғи Абдуллоҳжон Қайдаров, чилангарлар Низомиддин Қозоқов, Арабобий Иброҳимов ва Сиддиқжон Бозоровнинг ўзлари бунёдкорлик ишлари билан банд. Бу иншоотнинг умумий қиймати 380 миң сўм бўлиб, Тўрақўрган трактор таъмирлаш заводи жамоаси айрим асбоб-ускуналарни тайёрлашда амалий ёрдам қўрсатмоқда.

Кунларнинг бирда хонамга уч нафар йигит кириб келди.

Биз йўлдан озганлар тоифасиданми, — деди уларнинг бири. — «Ўтириб» келдик. Райондаги 13 ташиқлотга бордик, ишга олишмадик. Бозоров деган «муқим» бор, уш хоналарнинг чиқариш мумкин, дейишди. Ердан бериб, йўқса, бирор кор-қол қўрсатамиз-ю яна «қайтиб» кетамиз. Ҳаммаси жонга тегди.

Улар, яъни Маҳмуд Ранов, Даврон Хўжабердиев ва Собойиб Муҳидиновга қарата: «Сизларнинг сўзиди қилмайман, сўроқ беравериб чарчагансизлар», — дедим. Қадрлар бунгача йўриқини чиқариб, буйруқ ҳозирлашни тайинладим. Ҳар қайсисига оғз сўмдан моддий ёрдам кўрсатдим.

Амвал Маҳмудов, Ҳайитбой Мамадиев, Абдулқалил Абдуллаев... Тоғни урса талқон қиладиган бу йигитларга нега ўғай назар билан қарашимиз керак? Уларнинг сони йигирматадан ортади. Айбн собиқ маҳбуслиқларим?

Хуллас, жамоамиз ҳам бўйига, ҳам энгиз кенгайиб бормоқда. Тинувчилик цехи учун Стаханов номи устакан жой олди. Келгусида бу цех корхонага айланади. Польшанинг «Ньюстиль» фирмаси билан ҳамкорликда иш бошлайди. Ишпосида сарфланадиган маблағнинг 61 фоизи биз, 39 фоизини эса поляшалар ўз аималарига олишган. У фойдаланишга топширилган, Димитров номи, «Москва», «Шарқ юлдузи», «Ўзбекистон» жамоат хўжалиқлари ва Оқтош қўрғониди бир гуруҳ хотин-қизлар иш билан таъминланадиганлар. Ҳозир фабрика директори вазирафини бажарувчи Рустамжон Ҳасанов, унинг ўринбосари Аъзамжон Тўхтаев ва ташиқий юмушлар билан овора. Яқин кунларда 200 та дастгоҳ ўрнатилди, куртка, плаш, пальто, жинси шим каби 18 хил махсулот тикланади. Аминизки, буларнинг барчаси харидорга маъқул ва манзур бўлади.

Айни кезларда Наманганда фабрикасини филиали ишлаб турибди. Бу ерда 50 дан ортинг чевар меҳнат қилапти. «Шарқ юлдузи» жамоат хўжалиги раёон марказидан олишда қўриқиб қўйилган. Аҳоли истагани қишлоғида мўъжазлик бозор қураямиз. Деҳқонлар ўзлари етиштирган ҳосилни шу ерга топшириб, эвазига бошқа хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини оладилар.

МАҲМУД БОЗОРОВ, Тўрақўрган районидagi хўшув тижорат-савдо ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

ТИШГА ЁПИШГАН ШИРА

ЕКИ ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИННИНГ ИШЧИ ҚИСМЛАРИ ТЎГРИСИДА

Чиноз, Гулистон, Бўқа таъмирлаш корхоналарида тиш очни жуда қийинчилик билан бажарилмоқда, чунки эски шпинделларнинг сирти тобланган, уни юмшатиш жараёни юқори частотадаги ток берадиган ускунадан бажарилди. Таъмирлаш корхоналари бундай ускуна билан таъмирланмаган. Таркибий ўз-ўзидан тозаланадиган шпинделларнинг ички имкониятларидан яна бири — илб олувчи қисмини ярмасига қисқартириб, пастки шпинделнинг эски шпинделнинг сиртига шпиндель ҳам пахта инчилик ағисидек тараверди. Натияжада қўпгина маблар тежалди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакли, пахта териш машиналарини ишлашти муддатиди жуда оз, яъни 20-40 кундир. Териш маусуми тугагач, механик-ҳайдовчилардан техникани сақлашни ҳам тўғри ва ўз вақтида ташкил этиш талаб этилади. Аммо «Пахта» кооперативига таъмирлаш муддатиди жуда оз, яъни 20-40 кундир. Териш маусуми тугагач, механик-ҳайдовчилардан техникани сақлашни ҳам тўғри ва ўз вақтида ташкил этиш талаб этилади. Аммо «Пахта» кооперативига таъмирлаш учун топширилетган таркибий шпинделлар аҳолини кўр-

сангиз уни ишлашга бўлганда сўнг ювиб, тозалаб, мойлаб сақлаш талабларига риоа қилинмаганини қўрасиз.

Шпинделни сифатли ва рақасиз таъмирлаш ва уни йил икмониятларидан фойдаланиш учун юқоридagi келтирилган натижаларга асосланган ҳолда биз қўйидагиларни тасвия этамиз:

— таъмирлаш корхоналари, хўжалиқлар марказлаштирилган ҳолда тикланадиган иш қисмларнинг «Пахта» кооперативига топшириб, ундан таъмирланганларини арзон нархда олиш;

— таъмирланмаган илб олувчи қисмини, яъни уни тишларини кўтармасдан қайта ишлашга йўл қўймаслик;

— таъмирлаш учун келтирилган ишчи қисмлар узоқ вилоятларга жойлашган бўлса, у ерларда «Пахта» кооперативининг филиали очил;

— таъмирлаш учун келтирилган ишчи қисмлар узоқ вилоятларга жойлашган бўлса, у ерларда «Пахта» кооперативининг филиали очил;

Қ. ИНОҒОМОВ,
зоди, Абу Райхон Бeруний номидаги давлат муқофотининг соғириндори.

«РОССИЯ» ТИЖОРАТ ФИРМАСИ ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАРГА

АҚШ, ГФР, ФРАНЦИЯ, ИТАЛИЯ, ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ВА МИСРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ХАРИДОРГИР ХАЛҚ

ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИНИ (КИЙИМЛАР, ПОЙАФЗАЛ, ЧОЙШАБЛАР, БОЛАЛАР

БУЮМЛАРИ ВА БОШҚАЛАР) СОВЕТ ПУЛЛАРИГА СОТАДИ

НАРХЛАРИ БОЗОР БАҲОСИДАН АНЧА ПАСТ

Келишилган ишнинг энг кичик қиймати 50 миллион сўм бўлиши керак

МОЛЛАР МОСКВАДАГИ ОМБОРЛАРДАН ХАРИДОРЛАРГА 3 КУН ИЧИДА ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ



КОММЕРЧЕСКАЯ ФИРМА
"РОССИЯ"

ТЕЛЕФОНЛАР: 297-95-11, 208-70-86, 297-96-83, КЕЧАЮ КУНДУЗ ИШЛАЙДИ

